
ЖАМОАЛАР УЧУН АМАЛИЙ ҚЎЛЛАНМА

Ривожланиш нима?



INTERNATIONAL
ACCOUNTABILITYPROJECT

© Муаллифлик ҳуқуқи Ҳалқаро масъулият лойиҳасига тегишли, 2020 йил
www.accountabilityproject.org

Летициа Фарисато дизайни
Мослаштирилган дизайн ва саҳифалаш ишлари - Мелисса Дж. Риз
Расмлар Харис Ичван томонидан тайёрланган

МУНДАРИЖА

РИВОЖЛАНИШ НИМА?	2
Машғулот: Ривожланиш сиз учун нимани англатади?	6
Буни билармидингиз?	
Сиз ривожланиш ҳуқуқига эгасиз.....	10
“РИВОЖЛАНИШ” БУГУНГИ КУНДА ҚАНДАЙ	
КЎРИНИШГА ЭГА?	12
“Ривожланиш” лойиҳаларининг қайси турлари?	16
Буни билармидингиз?	
Сиз консультация олиш ва “Ҳа” ёки “Йўқ” дейиш ҳуқуқига эгасиз!.....	18
Жамоа тажрибаси: Непалга оид ҳикоя	23
Машғулот: Ривожланишнинг таъсири ва фойдалари.....	28
Машғулот: Сиз ривожланиш ҳуқуқига эгасиз.....	30
РИВОЖЛАНИШ ҚАНДАЙ БЎЛИШИ КЕРАК	34
Машғулот: Жамоа бошчилигидаги ривожланишга оид жумбоқлар.....	38
Жамоа тажрибаси: Жессика воқеаси.....	41
МАНБАЛАР	45

Бошлаймиз!

РИВОЖЛАНИШ НИМА?

- 6 **Машғулот:** Ривожланиш сиз учун нимани англатади?
- 10 **Буни билармидингиз?** Сиз ривожланиш ҳуқуқига эгасиз

Барчамизнинг жамоамиз келажагига оид орзуларимиз бор

Масалан, балки сизнинг жамоангизда:

- Одамлар янги мактаб ёки ҳозиргисидан яхшироқ шифохона қурилишини хоҳлашади
- Йўллар таъмирталаб, қудуқлар ва қувурлардаги сув сифати эса яшиланиши керак
- Ёшлар янги кўникмаларга ўргатувчи дастурларнинг очилишини исташади
- Фермерлар қўғоқчилик мавсумларида экинлар ва ҳайвонлар учун мўлжалланган суғориш тизимларига муҳтож
- Қишлоқ кенгаши жамоа томонидан бошқариладиган балиқларни асраш зонаси ёки ўрмонларни қўриқлаш ҳудудлари бўлишини истайди
- Жамоанинг айрим аъзолари электр қуввати ёки компьютерлар каби замонавий технологияларнинг пайдо бўлишини истагани ҳолда, бошқалари эса ишларни эскича юритишни усулларини тиклаш, масалан, деҳқончиликни эскича усулларда бажариш ёки бугунга келиб оз сондаги одамлар билган тилларни қайта тирилтириш тарафдоридирлар
- Яна бошқалари жамоанинг, ҳозирги туришидаги, мавжуд ҳолатидан қониққан ва келажакда ҳам бўлғуси авлодлар учун шу ҳолича сақланиб қолишига умид қиладилар.

Буларнинг барчаси **ривожланишга** доир устуворликларига оид мисоллардир. Кўриб турганингиздек “ривожланиш” сўзи кўплаб маъноларга эга. Дунёда жамоалар қанча бўлса, ривожланиш тушунчасининг талқинлари ҳам шунчалик кўп. Ривожланиш тушунчасини талқин қилишда кузатиладиган фарқлар этиқодлар, устуворликлар ва келажакка нисбатан қарашларнинг турфалиги натижасида келиб чиқади.

Ривожланиш
-маҳсулотларни
экспортга
жўнатиш учун
йўллар қуриш
кераклигини
англатади!



Ривожланиш
бу аёлларнинг
соғлиқни сақлаш
хизматларидан
фойдаланиш
имкониятини
таъминлаш
демакдир!



Ривожланиш -
одамларимиз учун
электр энергияси,
иш жойлари ва
пулни англатади!



Ривожланишми? Озиқ-
овқатлар учун яхшироқ
омборлар... ва янги
суғориш тизими бўлса
яхши бўларди



Ривожланиш деганда турмушни,
барчанинг эҳтиёжларини доимий
равишда қондира оладиган
яхшилаш ишларини тушунаман



Ҳукуматларнинг кўпчилиги, компаниялар ёки тараққиёт банклари бутун мамлакатни ривожлантириш учун йирик лойиҳалар (масалан йўллар, конлар, ГЭС тўғонлари ёки замонавий иншоотлар) зарурлигини таъкидлаб келишади. Кўпинчалик уларни “ривожлантириш режалари” ёки “ривожлантириш дастурлари” деб атайдди.

Бироқ бу лойиҳаларнинг барчаси доим ҳам одамлар ва атроф-муҳит учун фойдалими? Аслида кимлар улардан фойда кўради ва бизнинг жамоаларимиз ва малакатларимиз учун қандай лойиҳалар ва сиёсий ечимлар энг эҳши эканлиги масаласини кимлар ҳал қилади? Таклиф қилинаётган нарсa “ривожланиш” эканлигини таъкидлаш ҳуқуқига кимлар эга? Агарда сиз таклиф этилган режа ёки лойиҳадан рози бўлмасангиз нима бўлади ва ўзингиз истаган ривожланишни қўллаб-қувватлайдиган **муқобил йўлларни қандай қилиб топасиз?**

Кўплаб жойларда сиз бундай саволларни эркинликка қўйилган чекловлар туфайли ҳатто ўртага ташлай ҳам олмайсиз. Лекин одамларнинг реал эҳтиёжларини қондириш мақсадида ривожланишни таъминлаш учун ривожланишни режалаштириш ишларига нафақат ихтиёрларида ваколатлари бўлган тузилмалар, балки одамларнинг ўзлари ҳам жалб этилишлари керак.

Ривожланиш шундай жараён бўлиши керакки, унда одамлар ва жамоалар “биз учун ривожланиш нимани англатади?” деган саволга жавобан **ўз ҳокимиятларини қайтара олишлари** керак. Ривожланиш жараёни барча учун ўзлари севган юртда муносиб ва фаровон турмуш кечириш имкониятларини бериши керак.

Ушбу **Қўлланмада** сиз ўзингизнинг жамоангиз билан “бу ривожланишми?” ва “биз ривожланишни қандай тасаввур қиламиз?”, - деб сўраш ва бу саволларга жавоб бериш учун ўтказиладиган тадбирлар, қўлланиладиган воситалар ва манбаларни топасиз.



МАШҒУЛОТ

РИВОЖЛАНИШ СИЗ УЧУН НИМАНИ АНГЛАТАДИ?



Мақсадлар: Ривожланишга оид кўплаб турли хил ғоялар ва унинг кўплаб моделлари мавжуд. Ушбу машғулот сизнинг жамоангизга ривожланиш сиз учун нимани англатишини ўйлаб кўришга ёрдам беради



Вақт: гуруҳнинг катталигига қараб 60 дақиқадан 90 дақиқача



Материаллар: Флипчарт, расм қоғози, маркерлар



КЎРСАТМАЛАР:

1 Иштирокчилардан ўзларини эркин ҳис этишни, кўзларини юмиб, ҳаёлларини ишга солишларини сўранг. Улар ўзларини эркин ҳис эта бошлаганларидан кейин уларга шундай дег:

- **Ўз жамоангиз** – оилангиз, қўшниларингиз, қишлоғингиздаги барча одамлар тўғрисида ва улар кундалик ҳаётда қиладиган ишлар тўғрисида ўйланг. Уларнинг умидлари ва ҳавотирлари нималардан иборат?
- Энди яшаб келаётган **уйингиз**, ерингиз ва атрофдаги бинолар ҳақида, ўзингиз ва жамоангиз фойдаланиб келаётган барча ерлар тўғрисида ўйланг.

Иштирокчиларга ўйлаб кўришлари учун бир оз вақт беринг. Шундан сўнг, уларнинг кўзлари ҳамон юмук экан, улардан саволлар орасида ўйлаб кўришлари учун паузалар бериб, қуйидаги саволларни беринг:

- Жамоангизда одамларнинг ҳаётини яхшилашга ёрдам берадиган қандай ғоялар мавжуд?
- Нималар барчани соғломроқ, бахтлироқ қила олади, нималар уларга кўпроқ имкониятлар ярата олади?
- Биз жамиятни қандай қилиб табиат билан уйғунлаштира оламиз?

Бунинг учун кўплаб имкониятлар мавжуд. Эҳтимол, сиз болаларнинг таълими, ёки кексаларни янги кўникмаларга ўргатувчи тренинглар ёки оилалар учун сифатлироқ озиқ-овқатлар тўғрисида ўйлаяпсиз? Эҳтимол сиз янги йўл, бозор ёки соғлиқни сақлаш клиникаси ҳақида ўйлаётгандирсиз. Ёки, эҳтимол, ўзингизнинг жамоангизда бошлашни истаган дастур ҳақида ўз фикрингиз бордир. Бу фақат сизнинг жамоангиз учун ёки бутун мамлакат учун мўлжалланган бирон бир нарсга бўлиши мумкин. Улар бу нарсаларни ўйлаб кўрганларидан сўнг,

иштирокчиларга ўз фикрлари билан ўртоқлашиш имкониятига эга эканликларини айтинг.

- 2** 5 кишидан кўп бўлмаган кичик гуруҳларга бўлининг. Ҳар бир гуруҳга ёки ҳар бир иштирокчига юқори қисмини пастдан ажратилиб, ўртасидан чизиқ тортилган катта варақ беринг. Улардан ўзларининг жамоаларидаги ривожланишга оид ғоялари ҳақида қисқача гапириб беришни ва шундан сўнг ушбу ғояларни қоғознинг юқори қисмида тасвирлаб беришни илтимос қилинг. Буни 15 дақиқадан кўпроқ вақт давомида бажаришни илтимос қилинг. Ҳамма гапириш ва расм чизиш имкониятига эга бўлганидан ишонч ҳосил қилинг.
- 3** Гуруҳларни қайтадан йиғинг ва ҳар бир иштирокчидан ўзларининг ривожланиш тўғрисидаги қарашлари ҳақида гапириб беришни сўранг.
- 4** Ҳамма ўз қарашлари билан ўртоқлашгандан сўнг, иштирокчилардан компаниялар, ҳукумат ёки тараққиёт банклари - ҳокимиятни ушлаб турувчи тузилмалар томонидан ўз жамоаларида ва минтақанинг ривожланишга оид қандай қарашлар илгари сурилаётганига оид тасаввурлари ҳақида ўйлаб кўришни сўранг. Уларга бу ҳақда ўйлаб кўриш учун бир неча дақиқа беринг.
- 5** Айни ўша кичик гуруҳларга ажратинг, гуруҳлардан ўз ғоялари билан ўртоқлашишни сўранг. Шундан сўнг иштирокчилардан қўлларидаги варақларнинг пастки ярмидан фойдаланиб, компаниялар, ҳукуматлар ва тараққиёт банклари томонидан илгари сурилаётган ривожланишга оид ғояларни тасвирлашни сўранг. Уларга қоғозга ўзлари ёқтирган ҳамда ёқтирмаган нарсаларни туширишлари мумкинлигини айтинг.
- 6** Ҳар ким ўз расмини деворга ёпиштирсин. Гуруҳни бир жойга тўплаган ва ҳар бир иштирокчидан ёки гуруҳ вакилидан ўз расмлари ҳақида фикр билдиришни сўранг.
- 7** Барча ўз фикрини баҳам кўрганидан сўнг, расмларда акс эттирилган ривожланиш тўғрисидаги турли хил ғоялар ҳақида мунозаралар ўтказинг.

- Бу расмларнинг ҳаммаси сиз учун ривожланишни англатадими, ёки улардан фақат баъзиларими?
- Иштирокчиларнинг ғоялари компаниялар ва ҳукумат томонидан илгари сурилаётган лойиҳалар билан бир хилми ёки улардан фарқ қиладими?
- Бу фарқлар ортида турган сабаблар қандай?
- Ривожланиш нима эканлигини айтишга ким ҳақли ва жамоа нималарга эга бўлиши керак?

Олиб борувчи учун эслатма: Агар вақтингиз кам бўлса ёки иштирокчиларнинг гуруҳи катта бўлса, сиз 3-босқични ўтказиб юборишингиз мумкин, сўнгра ҳар бир қатнашчи ёки гуруҳдан 6-босқичда ўз расмларининг иккала қисмини ҳам баҳам кўришларини сўранг.

Жамоанинг баъзи аъзолари, масалан, аёллар, ёшлар ва қариялар орасида ушбу мавзуну муҳокама қилиш учун ўзларининг жисмоний маконларига эга бўлишлари фойдали бўлиши мумкин, бу ерда уларга ўз фикрлари билан ўртоқлашиш таклиф қилинади. Сиз кичик гуруҳларга қандай бўлиниш тўғрисида ўйлаб кўришингиз мумкин, масалан, фақат аёллар ёки фақат ёшлардан иборат гуруҳларга бўлинишни. Сўнгра янада каттароқ мунозаралар даврасида гуруҳлар орасидаги фарқлар ва ўхшашликларни муҳокама қилсангиз бўлади.

Хулоса: Барчага ўз фикрларини баҳам кўрганликлари учун миннатдорчилигимни билдираман. Тақдим этилган расмлар ва ўтказилган суҳбатларимиздан кўриниб турганидек, одамлар ривожланиш тўғрисида турли хил фикрларга эга эканликларини урғулаб ўтинг. Ҳаммамизда ҳам бир тўхтамга келиш имкони бўлмаслиги мумкин бўлса-да, муҳими, барчамиз жамоамизда ва мамлакатимизда қандай ривожланиш содир бўлишини ҳал қилишда иштирок этишимиз кераклигида. Ҳақиқатан ҳам баҳс-мунозараларда ва қарорларнинг қабул қилинишида қанчалик кўп одам иштирок эта олса, ривожланиш барчанинг эҳтиёжларини қондириши ва турмушини яхшилаши эҳтимоли ҳам шунчалик юқори бўлади.



БУНИ БИЛАРМИДИНГИЗ?

Сиз ривожланиш ҳуқуқига эгасиз.

Халқаро қонунчилик сизнинг ривожланиш ҳуқуқингиз ва халқларнинг ўз ривожланиш моделини танлаш ҳуқуқини тан олади. Ривожланиш ҳуқуқи декларациясида Бирлашган Миллатлар Ташкилоти қуйидагиларни тан олади:

Сиз ривожланишга доир барча жараёнларда иштирок этиш ҳуқуқига эгасиз.

- **Модда 1.1:** “Ривожланиш ҳуқуқи - бу инсонларнинг ажралмас ҳуқуқи бўлиб, унинг шарофати билан ҳар бир инсон ва барча халқлар иқтисодий, ижтимоий, маданий ва сиёсий ривожланишда иштирок этиши, ўз ҳиссаларини қўшиши ва улардан баҳраманд бўлиш ҳуқуқига эгалигидир”.
- **Модда 2.1:** “Инсон ривожланишнинг марказий субъекти бўлиб, у ривожланиш ҳуқуқининг фаол иштирокчиси ва бенефициари бўлиши керак”.
- **Модда 8.1:** ... Аёлларнинг ривожланиш жараёнида фаол рол ўйнашини таъминлаш учун самарали чоралар кўрилиши лозим.

Сиз зарар етказмайдиган ривожланиш ҳуқуқига эгасиз.

- **Преамбула:** ... “инсоннинг айрим ҳуқуқлари ва асосий эркинликларини қўллаб-қувватлаш, ҳурмат қилиш ва улардан фойдаланиш бошқа инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликларини инкор этишни асослаб беролмайди”.
- **Модда 6.3:** “Давлатлар фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқларга, шунингдек, иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқларга риоя қилмаслик натижасида юзага келадиган тўсиқларни бартараф этиш чораларини кўришлари керак.”

- **Модда 8.1:** “Давлатлар ривожланиш ҳуқуқини рўёбга чиқариш учун миллий даражада барча зарур чораларни кўришлари керак ва бошқалар учун асосий ресурслар, таълим, тиббий хизматлар, озиқ-овқат ва уй-жойлардан фойдаланиш имкониятлари тенглигини таъминлаш баробарида иш жойлари ва даромадларнинг адолатли тақсимланишини таъминлайди”.

Сизга таъсир қиладиган ривожланишдан оқилонга фойда олиш ҳуқуқига эгасиз.

- **Модда 2:** “Давлатлар бутун аҳолининг ва барча шахсларнинг фаол, эркин ва конструктив иштироклари асосида уларнинг фаровонлигини доимий равишда яхшилашга қаратилган тегишли миллий ривожланиш сиёсатини шакллантиришга ва бундан келиб чиқадиган фойдаларни адолатли тақсимлашга ҳақли ва бурчлидир”.



Муҳокама қилиш учун саволлар:

1. Сизнинг ривожланиш ҳуқуқингиз ҳурмат қилинмоқда ва амалга оширилмоқда деб ўйлайсизми? Қай даражада амалга оширилмоқда ёки нима сабабдан амалга оширилмаяпти?
2. Ривожланиш ҳуқуқи сизга кўнгилдагик ривожланишга ёрдам бериши мумкинми ёки сиз дуч келадиган исталмаган лойиҳалар ёки режаларга қарши тура оласизми? Қандай қилиб?

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Ривожланиш ҳуқуқи тўғрисидаги декларациясини қуйидаги манзилда араб, хитой, инглиз, француз, рус ва испан тилларида тўлиқ ўқишингиз мумкин:

bit.ly/UNright2development

“РИВОЖЛАНИШ” БУГУНГИ КУНДА ҚАНДАЙ КҮРИНИШГА ЭГА?

16 “Ривожланиш” лойиҳаларининг қайси турлари?

18 **Бунӣ билармидингиз?** Сиз консултация олиш ва “Ҳа” ёки “Йўқ” дейиш ҳуқуқига эгасиз!

23 **Жамоа тажрибаси:** Непалга оид ҳикоя

28 **Машғулот:** Ривожланишнинг таъсири ва фойдалари

30 **Машғулот:** Сиз ривожланиш ҳуқуқига эгасиз

Бугунги кунда “ривожланиш” кўплаб одамлар учун қўрқинчли сўзга айланган.

Ривожланишга оид кўплаб мавжуд ғоялар ва моделларини

тан олиш ва ҳурмат қилиш ўрнига ҳукуматлар ва муассасалар ўз ихтиёрларидаги ҳокимиятдан фойдаланиб, битта ғоя ва битта моделни ривожланишнинг ягона йўли сифатида тарғиб қилиб келишган.

Бугун, сизкимдир “ривожланиш” тўғрисида гапираётганини эшитганингизда, бу қуйидагиларни англатади:

- Иқтисодий ўсишни рағбатлантириш учун компаниялар томонидан кўпроқ сармояларни жалб қилиш
- Чет эл компаниялари томонидан кўпроқ инвестицияларни жалб қилиш учун амалдаги қонунларни ўзгартириш ёки янги қонунларни ишлаб чиқиш
- Катта тўғонлар, очиқ конлар, плантациялар ва магистрал йўллар сингари мега лойиҳаларга ҳомийлик қилиш
- Кўп қаватли савдо ва турар-жой биноларини қуриш
- Хусусий компанияларга фойда кўриш мақсадида фойдаланиш учун ер ва бошқа умумий ресурсларни, масалан, махсус иқтисодий зоналар ёки иқтисодий ер имтиёзлари орқали бериш
- Минтақадаги бошқа мамлакатлар билан савдо-сотиқни ва алоқаларни биринчи ўринга қўядиган инфратузилмани яратиш.

Барча жамоалар турлича бўлишига қарамай, улар ўз истиқболлари борасида турли хил устуворликлар ва қарашларга эга бўлсалар ҳам, биргина кун тартиби кўпинча одамларга муҳокама қилмасдан юкланади. Ушбу моделда кўплаб тузилмалар, масалан, банклар ва ривожланиш компаниялари, ривожланишдан қўзланган мақсад - иқтисодий ўсишни таъминлаш ва қашшоқликка барҳам бериш деб таъкидланди.

Гарчи, бу нарсалар ҳукуматлар ва муассасалар томонидан айтилаётган гаплар бўлса-да, улар қашшоқликка барҳам бериш деганда нималарни



Пулмиз йўқ дегани, қашшоқ
эканлигимизни англатмайди.

Пулдор одамлар атрофимизда ўз фабрикаларини
қурмагунларича ва сувларимизни олиб
қўймагунларича биз ҳатто қашшоқлик нима
эканлигини билмаганмиз



назарда тутадилар? Агар иқтисодий ўсиш кузатилса фойда тенг тақсимланадими? Ушбу жараёнда қандай йўқотишлар бўлади ва бу юкни ким кўтаради?

Қашшоқлик уни ким белгилашига қараб жуда хилма-хил нарсаларни англатиши мумкин. Ҳукуматлар ва муассасалар томонидан камбағал деб ҳисобланган баъзи одамлар ўзларини умуман камбағал деб ҳисобламайдилар.

Улар даромад сифатида кўп пулга эга бўлмасликлари мумкин, аммо улар ўз ҳаётларини таъминлайдиган ўрмонлар, дарёлар ва океанлардан анъанавий дори-дармонларни, озиқ-овқат ва бошқа нарсаларни олиш имкониятига эгалар.

Одамлар ўзларини қашшоқ ва қашшоқлик билан курашаётганликларини ҳис қилишлари мумкин, чунки:

- Уларга таълим олиш учун имконият берилмаган ёки болалари учун таълим олиш имконияти йўқ
- Уларнинг ерлари, табиий бойликлари ва тирикчилик манбалари олиб қўйилган
- Ўзлари ёки оила аъзолари касал бўлиб қолганда, уларда тиббий хизматдан фойдаланиш имконияти мавжуд эмас
- Улар эзилганлар гуруҳига мансуб.

Шуни тан олиш керакки, **кўпинча камбағал одамлар сиёсат ва иқтисодий сиёсат туфайли камбағал бўлиб қолишади.**

Атроф-муҳитга зарар етказилиши натижасида ўз ерларидан кўчирилган ёки тирикчилик манбаларидан маҳрум бўлган кўплаб жамоалар мавжуд бўлиб, бу улар орасида қашшоқликнинг кучайишига олиб келади. Кўпинча, ҳукуматлар ва бошқа тузилмалар томонидан илгари сурилган жамоани ривожлантиришга оид қарашларнинг одамлар турмушидан устун қўйилиши, уларни аввалгидан ҳам ёмонроқ аҳволда қолдиради.

“РИВОЖЛАНИШ” ЛОЙИҲАЛАРИНИНГ ТУРЛАРИ

Кўпгина ҳукуматлар, тараққиёт банклари ва компаниялар ривожланиши замонавий инфратузилмани қўллаб-қувватлайдиган ва иқтисодиётни ривожлантирадиган лойиҳаларни ўз ичига олиши кераклигини таъкидлайдилар. Улар бу ўсиш ҳаммага, айниқса қашшоқликда кун кечирувчи одамларга фойда келтиради, деб ваъда берадилар.

Ушбу лойиҳалар турли шакл ва ўлчамга эга бўлиши мумкин. Бироқ, бундай модел бўйича лойиҳалар, одатда, турмушларига жуда кучли ижобий ёки салбий таъсир кўрсатиши мумкин бўлган жамоаларнинг иштирокисиз ишлаб чиқилади ва амалга оширилади. **Мазмунли муҳокама** ва ўз фикрларини билдириш учун хавфсиз жойлар ажратилмаса, ҳар қандай ўлчамдаги лойиҳалар дахшатли оқибатларга олиб келиши мумкин.

Келинг, яққол таъсирга эга бўлган лойиҳалардан бошлайлик.

Ўта йирик лойиҳалар уларни қуриш билан шуғулланадиган компаниялар ва уларни молиялаштирадиган банклар учун фойда келтиради, аммо одатда бунда маҳаллий аҳоли ва атроф-муҳит кўпроқ зарар кўради. Жамоаларга кўпинча иш жойлари, мактаблар, ишончли электр тизими, сув тизимлари ёки бошқа инфратузилмалар ваъда қилинган бўлса ҳам, ушбу улкан лойиҳалар кўп ҳолларда бутун қишлоқларни, ўрмонларни, дарёларни ва шаҳарлар мавзеларининг вайрон бўлишига олиб келади. Кўпинча жамоаларга берилган ваъдалар етарли даражада бажарилмайди, масалан, қурилиш ишлари кетаётганида одамлар фақат вақтинчалик иш жойлари билан таъминланади ёки ўқитувчилар учун маблағ ажратмасдан мактаблар қурилади. Вақт ўтиши билан, кўплаб жамоалар доимий салбий таъсир дастлабки фойдадан кўпроқ эканлигини англашади ва ўз урф-одатлари, ерлари, ресурсларини йўқотганларидан ва турмуш сифати ёмонлашиб кетганидан афсуслана бошлашади.

Масалан, катта тўғонларнинг қурилиши, кўпинча, қишлоқ аҳолисига ҳеч қандай наф келтирмайди, балки уларни ўз жойларидан кўчиб кетишга

мажбур қилади. Дунё бўйлаб миллионлаб одамлар тўғонлар қурилиши натижасида ўз уйларини тарк этишга мажбур бўлмоқдалар. Қуйи оқимда яшовчи яна миллионлаб одамлар сув омборлари тошқинлари оқибатида ўз ресурслари ва анъанавий турмуш тарзини йўқотишмоқда ва кўпинча ишлаб чиқарилган электр энергиясидан ҳам фойдалана олишмайди.

Катта тўғонлар - бу мега лойиҳалардан биргина мисол, аммо улардан бошқа кўплаб лойиҳалар ҳам мавжуд. Нефт ва газ қазиб олиш, ёғоч тайёрлаш ва бурғулаш каби лойиҳалар кўпинча маҳаллий жамоалар фойдаланадиган ўрмонлар, дарёлар ва бошқа табиий ҳудудлар каби ресурсларнинг йўқ бўлиб кетишига олиб келади. Ҳатто атроф-муҳитга ижобий таъсир кўрсатиши керак бўлган лойиҳалар, масалан, қуёш ва шамол энергияси тизимлари, агар жамоалар бундай лойиҳани ишлаб чиқишда ва режалаштиришда иштирок этишмаса, улар орасида ердан фойдаланиш масаласи атрофида жиддий хавотирнинг пайдо бўлишига олиб келиши мумкин.

*“Дарёларимиз ўлса, бизга
нима қолади?”*



*Биз қашшоқлик билан ифлосланиш орасидан
танлов қилишга мажбурланмаслигимиз керак!*



БУНИ БИЛАРМИДИНГИЗ? *Сиз консультация олиш ва "Ҳа" ёки "Йўқ" дейишга ҳақлисиз!*

Консультация - бу одамлар ва жамоалар ўртасида уларнинг турмушига таъсир кўрсатадиган ривожланиш режалари тўғрисида маълумот олиш, маслаҳатлашиш, ғоялар ва фикрлар билан алмашиш жараёнидир. Консультациялар имкон қадар эрта, ҳар қандай потенциал режалар тузилишидан анча олдин бошланиши ва бутун ривожланиш жараёнида давом эттирилиши керак. Шунингдек, сиз ўз жамоангизни ривожлантириш режаларини муҳокама қилиш учун консультациялардан фойдаланишингиз мумкин.

Консультация сизга ўз жамоангизга таъсир кўрсатадиган **ривожланиш жараёнларига жалб этилиш ва уларда иштирок** этиш учун кўплаб имкониятларни очадиган биринчи эшик бўлиши керак. Улар сизнинг жамоангиз ёки бошқа одамлар томонидан ўтказилишидан қатъи назар, консультациялар жамоанинг ҳар қайси аъзоси таркибига кира оладиган ва ўз фикрларини билдира оладиган жой бўлиши керак. Сиз нималар режалаштирилаётганлиги ва режаларнинг қандай амалга оширилишини билишга, саволлар беришга ва жавоблар олишга ҳақлисиз.

Консультациялар жамоат муҳокамаси ёки кичик гуруҳлардаги муҳокамалар шаклида ўтказилиши мумкин. Бироқ, одамларни фақат бир томоннинг маълумотларини тинглаш учун хонага олиб кириш ва одамларга ўз фикрлари ва мулоҳазалари билан бўлишишларига йўл қўймаслик дегани эмас. Яхши консультация **одамлар томонидан ва одамлар учун** режалаштирилади ва у:

- Вақтни тўғри тақсимлайди ва барча иштирокчиларга ўз ташвишлари, ғоялари ва фикрларини билдириш учун тенг имкониятлар яратади.
- Маданиятингизга мос равишда ва ўз фикрларингизни қўрқув ва босимсиз ифода этишингиз қулай бўлган жойда ўтказилади.
- Ривожланиш жараёни ва бутун жараёнлардан етарли даражада этароқ ўтказилади, шунда тўпланган

мулоҳазалар лойиҳани ишлаб чиқишга ва кейинчалик амалга оширишга ўз хиссасини қўшиши мумкин.

- Бу сизнинг жамоангиз “ҳа” ёки “йўқ” дейиш, таклиф қилинган лойиҳа, режа ёки ғояни қабул қилиш ёки рад этиш ваколатига эга бўлган макондир.

Консультация жараёнлари мажбурлаш ёки таҳдидлардан **холи бўлган** тарзда, ҳар қандай режаларни яқунлаш ёки амалга оширишдан **олдин** ва жамоа осонликча тушунадиган тилда **тўлиқ маълумотга** эга бўлиши билан бошланиши ва ўтказилиши керак. Сизнинг жамоангиз ҳар қандай фаолиятни бошлашдан олдин ва лойиҳанинг ҳар бир босқичида биргаликда лойиҳани тасдиқлаш ёки рад этиш имкониятига эга бўлиши керак. Қарор барчанинг, айниқса аёллар, қариялар ва болаларнинг ҳуқуқларини ҳурмат қиладиган жамоани жалб қилиш жараёни орқали қабул қилинади.

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг туб аҳоли ҳуқуқлари тўғрисидаги декларацияси маҳаллий жамоаларнинг эркин, олдиндан берилган ва эълон қилинган розилик (ЭОБЭҚР) ҳуқуқини ҳимоя қилади. ЭОБЭҚР сизнинг **розилик бериш ҳуқуқига** эга эканлигингизни - таклиф қилинган лойиҳа ёки режага “ҳа” ёки “йўқ” дейишга ҳақли эканлигингизни англатади. Розилик тегишли маълумотларни олиш, консультациялар, ички мунозаралар ўтказиш ва жамоат қарорларини қабул қилиш жараёнларини ўз ичига олган жараён орқали амалга оширилади, натижада розилик бериш ёки рад этиш тўғрисида жамоат қарори қабул қилинади.

ЭОБЭҚРга оид батафсил маълумотларни олиш учун қуйидаги манзилларга қаранг:

- Амалдаги ҳуқуқлар: Осиёдаги туб аҳолилар тўғрисидаги пактга кўра, туб аҳолилар учун эркин, олдиндан берилган ва эълон қилинган розилик (ЭОБЭҚР). bit.ly/AIPFPICvideo
- Осиёдаги туб аҳолилар тўғрисидаги пактга мувофиқ эркин, олдиндан берилган ва эълон қилинган розилик (ЭОБЭҚР) бўйича маҳаллий туб аҳоли учун мўлжалланган ўқув қўлланмаси bit.ly/AIPFPICmanual
- Оxfam томонидан тайёрланган Эркин, олдиндан берилган ва эълон қилинган розилик бўйича қўлланма. bit.ly/OxfamFPICguide

Баъзида назарий жиҳатдан истиқболли бўлиб кўринган лойиҳалар амалда ҳалокатли бўлиши мумкин бўлган кутилмаган оқибатлар билан якунланади. Масалан, қишлоқ хўжалиги чиқиндиларидан энергия ишлаб чиқарадиган электр станцияси жамоалар учун фойдали лойиҳа бўлиши мумкин. Аммо, агар улар турар жой марказларида жойлаштирилса, худди шу лойиҳалар одамлар саломатлиги билан боғлиқ бўлган муаммоларни келтириб чиқариши, атроф-муҳитга зарар етказиши ёки бу лойиҳалар натижасида фойда кўришлари керак бўлган одамлар ўз жойларидан кўчирилиши мумкин. Худди шу тарзда, шамол билан ишлайдиган электр генераторларининг қурилиши шовқин билан ифлосланишга олиб келиши ва учиб кетадиган қушларни нобуд қилиши мумкин.

Мамлакатнинг қонунлари ва инвестициялар, имтиёзлар ёки ерга эгалик ҳуқуқларига оид сиёсатини яратиш ёки ўзгартириш учун бошқа турдаги лойиҳалар таклиф этилади. Ушбу турдаги лойиҳалар юқоридагилар билан бирдек жисмоний таъсирга эга бўлмаса ҳам, улар барибир узоқ муддатли оқибатларга олиб келиши мумкин. Масалан, белгиланган профилактика чораларисиз мамлакатга сармоя киритишни енгиллаштириш учун қонунларни ўзгартириш бўйича тавсиялар берадиган лойиҳа, компанияларга мавжуд **экологик ёки ижтимоий ҳимоя** талабларини четлаб ўтиш учун имкон бериши мумкин. Ердан фойдаланиш тўғрисидаги қонунларнинг ўзгариши одамлар яшайдиган ёки озиқ-овқат, даромад ва уй-жой учун фойдаланадиган ерларга таъсир қилиши мумкин ёки инфратузилма ва энергия салоҳиятини кенгайтиришга қаратилган миллий ривожланиш режалари биз илгари муҳокама қилган мега-лойиҳаларга олиб келиши мумкин. Ушбу қўштирноқ ичидаги “ривожланиш” деб номланган жараён, одамлар ҳаёти ва мамлакат тақдирига катта таъсир кўрсатиши мумкин.

Лойиҳа таъсири доирасига тушган одамларга ривожланишнинг устувор йўналишлари тўғрисида батафсил маслаҳатлар берилмаса ва уларнинг режалари лойиҳани ишлаб чиқиш, амалга ошириш ва мониторинг ишларига киритилмаса, барча лойиҳаларга жиддий зарар етказилиши мумкин.

Олдин



ЕР ТЎҒРИСИДАГИ
ҚОНУНЛАР ЖУДА ҚАТТИҚ
БЎЛГАНЛИГИ УЧУН
ОДАМЛАР
МАМЛАКАТИНГИЗГА
ИНВЕСТИЦИЯЛАР КИРИТА
ОЛИШМАЙДИ





НЕПАЛГА ОИД ҲИКОЯ

Тижорий қишлоқ хўжалиги лойиҳаси таклиф қилинганида, лойиҳа ишлаб чиқувчисининг мақсади Непалнинг шарқидаги 5 тоғли ҳудудда, 5 пасттекисликда ва 1 тоғли ҳудудда қашшоқликни камайтиришдан иборат, деб эълон қилинган эди. Лойиҳа сабзавот, мева, чой ва зираворлар каби қимматбаҳо экинларни етиштириш, сотиш ва қайта ишлашни яхшилаши айтилган эди.

Ушбу ҳудудлар азалдан деҳқончилик билан шуғулланиб келадиган туб аҳолининг яшаш маконидир. Аммо, лойиҳани ишлаб чиқувчи томонидан ўтказилган дастлабки баҳолаш ишлари натижалари, лойиҳанинг туб аҳолига ҳеч қандай таъсир кўрсатмаслиги ва шу боис улар учун махсус қоидалар талаб қилинмаслигини кўрсатганлиги таъкидланган.

Ушбу минтақада яшовчилар азалдан маҳаллий уруғлардан, табиий ўғитлардан ва зараркунандаларга қарши курашнинг **анъанавий усуллари**дан фойдаланганлар. Қишлоқ хўжалигини “самаралироқ” қилиш учун Тижорий қишлоқ хўжалигини ривожлантириш лойиҳаси гибрид уруғлардан, кимёвий ўғитлардан, пестицидлардан ва ҳашаротлардан фойдаланишни такиф қилди. Маҳаллий фермерлар ушбу агрокимёвий моддаларнинг зарари тўғрисида хабардор бўлганлар, аммо ишлаб



Шарқий Непалда кўплаб туб аҳоли вакилларида иборат маҳаллий жамоалар яшаб келади, уларнинг аксарияти минтақада узоқ вақт давомида деҳқончилик билан шуғулланишади.

Лойиҳа, “қимматбаҳо экинларни” етиштириш, сотиш ва қайта ишлашни такомиллаштиришни ваъда қилиб, анъанавий деҳқончилик тажрибасига путур етказди ва жамиятнинг ер ва атроф-муҳит билан бўлган алоқаларини таҳдид остига қўйди.

чиқариш ва даромадларини кўпайтириш учун улар таклифга рози бўлишган.

Улар бунинг натижасида жуда кўп янгидан-янги муаммоларни бошдан кечиришди ва ўз далаларидан қушлар, ҳашаротлар ва ўсимликларнинг Лойиҳа бошлангандан кўп ўтмай, фермерлар соғлиқлари билан боғлиқ ўлиб

бораётганларининг гувоҳлари бўлишди. Рай лойиҳа ҳудудидаги туб аҳолидан иборат маҳаллий гуруҳлардан бири **қишлоқ хўжалиги мавсумига** бағишланган убаҳаули деб номланган маросимларни ўтказиб келади. Ушбу фестиваллар йилнинг маълум вақтларида бўлиб ўтади, улар экин ва йиғим-терим мавсумига тўғри келади. Аммо ҳозирда “самаралироқ” ишлаб чиқариш учун етиштирилаётган экинлар бир вақтнинг ўзида экилмаслиги ва йиғилмаслигисобабли бу байрамлар эндиликда ўз мантигини йўқотиб қўйган.

Лойиҳада иштирок этган баъзи фермерлар кўпроқ пул ишлашга муваффақ бўлишди. Аммо улар азалдан ишлатиб келган уруғларини ва деҳқончилик усулларини, шунингдек, ўз жамоаларини бирлаштиришга, ўзликларини ва ерга ва мавсумларга бўлган алоқаларини мустаҳкамлашга ёрдам бериб келган маданий урф-датларни йўқотиб боришмоқда.

Энди улар бу лойиҳа туб аҳолига салбий таъсир кўрсатмайди, деган фикрга бориш нотўғри бўлганлигини кўришмоқда. Лойиҳа натижасида уларнинг ерлари тортиб олинмаган ёки улар кўчиб ўтишга мажбур қилинмаган бўлсалар-да, бу уларнинг ҳаётларининг энг муҳим таркибий қисмларидан



Непал

“ Фермерлар анъанавий уруғларни ва деҳқончилик усулларини, шунингдек, ўз жамоаларини бирлаштиришга ва ўзликларини мустаҳкамлашга ёрдам бериб келган маданий удумлардан маҳрум бўлмоқдалар.

“ Лойиҳа уларнинг ҳаётидаги энг муҳим таркибий қисмлардан бирини - уларнинг анъанавий аграр маданий цикли ва байрамлари ўзгартириб юборди.

бирини - уларнинг аънавий қишлоқ ҳўжалиги циклини ва байрамларини, шу жумладан қишлоқ ҳўжалиги ерларининг унумдорлигини ўзгартириб юборди.

Бу воқеадан қандай ҳулосалар чиқаришимиз мумкин?

Ушбу лойиҳа даромад олиш орқали қашшоқликни камайтиришга қаратилган эди, аммо у туб аҳolidан иборат маҳаллий элатларнинг аънавий турмуш тарзига мос келмади. Зараркунандалар билан кураш усуллари, уруғлар ва тупроққа ишлов бериш техникаси каби баъзи фаолият турлари жамоаларнинг аънавий тизимларига йўғри келмади. Шу сабабли, лойиҳа кутилмаган ва жиддий салбий таъсирга эга бўлиб, маҳаллий аҳоли турмуш тарзи ва маданий ҳаётига таъсир кўрсатди.



Муҳокама қилиш учун саволлар:

- 1 Лойиҳа сизнинг ривожланиш тўғрисидаги қарашларингизга тўғри келадими?
- 2 Деҳқончилик пулдан ташқари яна қандай қийматларни келтириб чиқаради? Бу сизнинг дунёқарашингиз, тирикчилигингиз ва ўзлигингиз учун қандай аҳамиятга эга?
- 3 Самарадорлик ва ишлаб чиқаришни ошириш - қишлоқ ҳўжалигининг энг мақбул ёки ягона мақсадими? Тижорий қишлоқ ҳўжалиги аънавий деҳқончилик усулларидан кўра барқарорроқми?
- 4 Даромад олишга йўналтирилган лойиҳа қандай қилиб бошқа эҳтиёжлар ва турмуш тарзига тўқнаш келади?
- 5 Қандай қилиб аънавий усуллар такомиллаштирилган қишлоқ ҳўжалиги усуллари билан бир вақтда қўлланиши мумкин?
- 6 Ушбу лойиҳадан зиён кўрган жамоаларнинг эҳтиёжларини қондиришига ишонч ҳосил қилиш учун нима қилиш мумкин эди?

Бугунги кунда биз “ривожланиш” сўзидан кўпинча катта молиявий ва сиёсий кучга эга бўлганларнинг дастурлари ва қарашларини илгари сурадиган лойиҳалар ва режаларни оқлаш учун фойдаланилаётганининг гувоҳи бўлишимиз мумкин. Ривожланиш ғоясидан фойдаланган ҳолда компаниялар, ҳукуматлар ва тараққиёт банклари бармоқ билан санарли одамларгагина даромад келтириши мумкин бўлган фойда учун кўплаб одамларга таъсир қилиши мумкин бўлган зарарларни оқлашлари мумкин. Бундай катта ва кичик лойиҳаларни тарғиб қилаётганлар “ривожланишни таъминлаш” йўлида зарар кўриш

Ривожланиш қуймоқ пиширишдек гап. Уни пишириш учун бир нечта тухумни чақиш керак!

Наҳотки шу гапни Жаҳон банки президенти айтган бўлса!



муқаррар эканлигини таъкидлаб келишади. Уларнинг айтишича, айрим одамлар бутун бир мамлакат ёки минтақа ривожланиши учун бирор нарсани қурбонликка келтиришлари керак. Дунё миқёсидаги жамоалар ва ташкилотларнинг саъй-ҳаракатлари туфайли одамлар ўзларининг **ривожланиш борасидаги қарашлари** ҳурмат қилиниши ва улардан олиб қўйилаётган нарсалар учун тоvon пули тўланиши учун курашмоқдалар. Аммо ҳеч қандай тоvon пули ўрмонлар ва дарёлар билан бирга йўқолиб бораётган ва атроф муҳитга узоқ муддатли таъсир

кўрсатадиган маданият, мерос ва тирикчилик воситаларини қайтариб бера олмайди.

Дунё бўйлаб тобора кўпроқ одамлар ушбу модел деструктив эканлиги ва ҳурматга сазовор эмаслигини, амалда ўз мамлакатларига ёки ўз жамоаларига ёрдам бермаслигини айтишмоқда. Улар ўз кучларини тўплаб ва бундай моделлар “Ривожланиш” эмаслигини қатъиян таъкидлаб келишмоқда. Улар ушбу турдаги лойиҳаларни тарғиб қилишни тўхтатиш ва аксинча ҳар кимнинг ҳуқуқларини ҳурмат қиладиган ва ҳар кимга фойда келтирадиган ва тотувликда яшаш имконини берадиган **муқобил лойиҳаларни илгари суриш** вақти келганини айтмоқдалар.





РИВОЖЛАНИШ ОҚИБАТЛАРИ ВА ФОЙДАСИ



Мақсадлар:

Сизнинг шахрингиз ёки минтақангизда таклиф этилган жорий лойиҳалар ҳақида танқидий фикр юритиш



Вақт: 30 дақиқа




Материаллар:

Маркерлар, флипчарт қоғозлари ёки устига ёзиш мумкин бўлган бошқа турдаги маҳаллий материаллар

КЎРСАТМАЛАР:

- 1 Ривожланиш сиз учун нимани англатади?" деб номланган сўнгги машғулотда шахрингизда ёки минтақангизда таклиф этилаётган лойиҳаларни муҳокама қилинг. Муҳокама қилиш учун битта лойиҳани танланг. Гуруҳдан бу масалани кўриб чиқишини сўранг.
 - Лойиҳадан кўзланган мақсад нимадан иборат?
 - Реал воқелик нимадан иборат?
- 2 Ҳар кимга ўз фикрини айтиш имкони берилган қисқа мунозарадан сўнг, флипчартда лойиҳада ваъда қилинган фойда, ижобий ва салбий оқибатларни қайд этинг.
- 3 Гуруҳ қатнашчиларидан лойиҳанинг афзалликларини санаб ўтишни ва уларни катта қоғоз варағига ёзишни илтимос қилинг?
- 4 Гуруҳ қатнашчиларидан лойиҳанинг кузатилаётган ва кузатилиши мумкин бўлган салбий оқибатларини санаб ўтишни ва уларни катта қоғоз варағига ёзиб қўйишни илтимос қилинг

- 5 Афзалликлар қайд этилган биринчи варақга қайтинг. Уларни овоз чиқариб ўқинг ва бу афзалликлардан кимлар баҳраманд бўлишини сўранг.
- 6 Салбий оқибатлар ёзилган варақга қайтинг. Уларни овоз чиқариб ўқинг ва улар кимларга таъсир қилишини сўранг.
- 7 Гуруҳингиздаги ҳар бир иштирокчи билан лойиҳадан кўриладиган фойда ва салбий оқибатлар орасидаги мувозанатни қандай баҳолаши, салбий оқибатларни камайтириш ва кўриладиган фойдани кўпайтириш учун нима қилиш кераклигини муҳокама қилинг. Кўпроқ фойда ва камроқ салбий оқибатларнинг муқобил вариантларни кўриб чиқинг.
 - Лойиҳа унинг таъсирига тушган одамларга реал фойда келтира оладими?
 - Қайси муқобил вариантлардан фойда кўпроқ, салбий оқибатлар эса камроқ бўлади?
 - Лойиҳани бутунлай тўхтатиш учун гуруҳ сафарбар этилиши керакми?





СИЗ РИВОЖЛАНИШ ҲУҚУҚИГА ЭГАСИЗ



Мақсадлар:

Ушбу тадбир сизга ва сизнинг жамоангизга БМТнинг ривожланиш ҳуқуқи тўғрисидаги декларациясидан фойдаланган ҳолда ривожланиш ҳуқуқингизни белгилаб олиш ва ҳимоя қилишда ёрдам беради.



Вақт: 40 дақиқадан 60 дақиқача



Материаллар:

Маркерлар, флипчарт қоғозлари ёки устига ёзиш мумкин бўлган бошқа турдаги маҳаллий материаллар

КЎРСАТМАЛАР:

1

Иштирокчиларнинг бирдан қуйидаги сценарийларни овоз чиқариб ўқишни илтимос қилинг:

Тасаввур қилинг, сиз балиқчилар жамоаси аъзосисиз...

Муаммоли лойиҳага дуч келаётган жамоа учун 1-сценарий

→ Бир куни сиз ўзингизнинг балиқчилик ҳудудингизда жамоангиз билан маслаҳатлашмасдан энергия ишлаб чиқариш учун улкан шамол тегирмонини қуришга тайёрланаётган компания вакиллари учратасиз. Сизнинг жамоангиз шамол генератори қуриладиган жой уларнинг балиқ овлаш ҳудудига таъсир қилишидан ва шовқин билан ифлосланишидан хавотирда.

→ Сизнинг жамоангиз ушбу лойиҳани жамоангиз фойдаланадиган ернинг бошқа қисмига кўчиришни таклиф қилмоқчи, аммо ҳеч ким сизни тингламаяпти. Мурожаат қилинганда, ҳукумат сизнинг жамоангиз бутун мамлакат тараққиёти учун фидоийлик кўрсатиши кераклигини таъкидламоқда.

→ Сиз лойиҳа сармоядорларига ва ҳукуматнинг юқори даражадаги ҳокимият органларига мурожаатнома ёзишни ўйлаясиз. Ўзингизнинг ҳуқуқларингиз ҳурмат қилинишини талаб қилиш учун БМТнинг ривожланиш ҳуқуқи тўғрисидаги декларациясининг қайси қисмидан фойдаланишингиз мумкин? Келинг, сизнинг ҳамжамиятингиз учун хат тайёрлашга ҳаракат қиламиз ...

Ривожланишга оид ташаббусларини таклиф қилаётган жамоа учун 2-сценарий

→ Сўнги пайтларда сизнинг жамоангиз денгиздаги катта тўлқинлар ва кучли шамоллар тўфайли муаммоларга дуч келмоқда – иқлимнинг кўплаб ўзгаришлари сизнинг тирикчилик манбаларингизга таъсир қилаётир. Шунингдек, сизга ҳукумат ва жамоанинг айрим аъзолари томонидан ҳудудингизда улкан портлар ва портлар билан боғлиқ бўлган объектларни қурмоқчи эканликлари ҳақида миш-мишлари етиб келмоқда.

→ Сизнинг жамоангиз муҳокамалардан сўнг, сизларнинг ҳақиқий эҳтиёжларингиз ва устуворликларингиз кичик кенг қўламли инфратузилма эмас, балки, масалан, тўлқинларни тўсадиган деворлар ва кичик қайиқлар учун мўлжалланган доқлар каби, жамоанинг тирикчилик манбаларини таъминлашга ёрдам бериши мумкин бўлган кичик ҳажмдаги инфратузилмани яратиш эканлиги ҳақидаги тўхтамга келди.

→ Сиз ўзингизнинг ривожланиш соҳасидаги устувор йўналишларингиз ва ташаббусларингизни таклиф қилиш учун салоҳиятли инвесторларга ва тегишли давлат идораларига мурожаатнома ёзиш тўғрисида ўйлаясиз. Ўзингизнинг ривожланиш ҳуқуқингизни талаб қилиш учун БМТнинг Ривожланиш ҳуқуқи тўғрисидаги декларациясининг қайси қисмидан фойдаланишингиз мумкин? Келинг, сизнинг жамоангиз номидан ёзиладиган хат матнини тайёрлашга уриниб кўрамиз ...

- 2 Иштирокчилардан 5 кишидан кўп бўлмаган кичик гуруҳларга бўлинишини сўранг (сиз шунингдек буни якка тартибда қилишни сўрашингиз мумкин). Ҳар бир кичик гуруҳга сценарийларнинг нусхасини беринг. Ҳар бир гуруҳга **БМТнинг Ривожланиш ҳуқуқи тўғрисидаги декларациясини** ўқиб чиқиш учун 10-15 дақиқа вақт берилади ва қўлланма сифатида қуйидаги намуна асосида хат тузилади.

Таклиф этилган хат формати

*Муҳтарам салоҳиятли инвесторлар ва тегишли
ҳукумат мутасаддилари,*

Биз

.....

.....

Истаймизки

.....

.....

.....

- 3 Иштирокчилардан хатларини бошқа гуруҳ билан алмашишни сўранг. Хатларни ўқиб чиқиш ва уларни муҳокама қилиш учун 10-15 дақиқа вақт ажратинг. Ҳар бир гуруҳ бошқа гуруҳнинг хатига қандай шарҳлар қилиши ёки мулоҳазалар билдириши мумкинлигини муҳокама қилинг. Ушбу хатни ишончли қиладиган нарсга нима эканлиги борасидаги фикр-ўйларингизни билдириб ўтишингиз мумкин? Ушбу хатни нималар янада кучлироқ қилиши мумкин?
- 4 Ҳар бир гуруҳдан ўз фикр-мулоҳазаларини билдиришни таклиф қилинг ва гуруҳларда параллел муҳокамалар ўтказинг. Кейин

ҳар бир гуруҳдан фойдали маслаҳатлари ва олган мулоҳазалари билан қисқача ўртоқлашишни сўранг.

Олиб борувчи учун эслатма: Ушбу машқ якка тартибда, жуфт бўлиб ёки кичик гуруҳларда бажарилиши мумкин. Ақлий ҳужум ва ёзма машқлар давомида ҳар ким ўз ҳиссасини қўшишига ишонч ҳосил қилиш учун гуруҳни иложи борида кичикроқ қилиш мақсадга мувофиқдир.

Шунингдек, машғулоти олиб борувчи турли хил сценарийларни ёки турли лойиҳаларни ёки вазифаларни тайёрлаб, уларни турли гуруҳларга бериши мумкин. Агар сизнинг иштирокчиларингиз аллақачон бу ҳолатга дуч келган бўлса, уларни ўзларининг ҳақиқий тажрибалари асосида хат ёзишга унданг. Машғулоти охирида, олиб борувчи мунозарани очиши ва иштирокчилардан қуйидагиларни сўраши мумкин:

- Сизнинг тарғибот ва ташвиқотингизни қўллаб-қувватлаш учун БМТнинг Ривожланиш ҳуқуқи тўғрисидаги декларациясидан фойдаланиш ёки унга мурожаат қилишнинг яна қандай усуллари мавжуд?
- Хатларга кучлироқ тўс бериш учун сиз ишга сола оладиган қандай халқаро ёки миллий қонунлар, ёки анъанавий қоидалар мавжуд?
- Хатда келтирган хабарингизни ва баёнотингизни етказишнинг энг самарали ва ижодий усуллари қандай?

Ривожланиш ҳуқуқини қўллаб-қувватловчи бошқа халқаро қонунлар ва келишувлар

- Модда 19. Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пакт
bit.ly/ICCPRa19
- Халқаро меҳнат ташкилоти конвенцияси. 169-сон
bit.ly/ILOc169
- БМТнинг махсус маърузачиси томонидан берилган ривожланиш ҳуқуқига оид кўрсатмалар ва тавсиялар
bit.ly/UNSRright2devreport

РИВОЖЛАНИШ ҚАНДАЙ БЎЛИШИ КЕРАК

38 **Машғулот:** Жамоа
бошчилигидаги
ривожланишга оид
жумбоқлар

41 **Жамоа тажрибаси:**
Жессика воқеаси

Ривожланиш доимо **ҳаётни яхшилаши** ва ҳеч қачон зарар етказмаслиги керак.

Афсуски, режалар ва лойиҳалар одатда қарор қабул қилиш ваколатига эга бўлган кичик бир гуруҳ томонидан ишлаб чиқилади ва молиялаштирилади. Улар ўзларининг лойиҳалари таъсирига тушадиган жамоалар билан ҳеч қачон гаплашмаган ёки улар билан учрашмаган бўлиши мумкин. Аслида, лойиҳани ишлаб чиқишда жамоаларнинг иштирок этиши камдан-кам кузатилади. Бироқ, жамоатчилик иштирокисиз, лойиҳалар уйларга, ерларга, тирикчилик манбаларига ва атроф-муҳитга таҳдид солиши мумкин.

Ривожланиш бундай бўлиши мумкин эмас.

Бутун дунёда одамлар маҳаллий шароитлардан келиб чиққан ва маҳаллий аҳолининг эҳтиёжларини қондирадиган, жамоалар томонидан бошқариладиган ривожланиш жараёнларининг йўлга қўйилишига чақирмоқдалар. Одамлар зарар етказмайдиган, лекин ҳақиқатан ҳам **ҳаммага оқилона фойда келтирадиган** ривожланиш жараёнларини йўлга қўйишни талаб қилишмоқда. Ушбу муҳитни яратиш учун аввало жамоаларнинг жараёндан четлаштирилиши ва жим туришини тўхтатишимиз керак.

Ҳақиқий ривожланиш негизда доимо одамларнинг ҳозир ва келажакда нималарни кўришларини ҳал қилишда, шунингдек, ҳам шахслар, ҳам жамоалар сифатидаги тўлиқ салоҳиятлари ва турмуш сифатига эришиш учун қандай устуворлик бериш тўғрисида қарор қабул қилиш ҳуқуқи ва жамоавий ваколатлари туриши керак. Лойиҳалар ва режаларнинг оқибатлари билан яшайдиган одамлар ривожланишга оид қарорларини ишлаб чиқарувчилар ва уларни қабул қилувчилар бўлишлари керак. **Бунини жамоа бошчилигидаги ривожланиш дейишади.** Бу ҳақиқий ривожланишдир!


Жамоа бошчилигидаги ривожланиш ҳамма одамлар ўзлари учун муносиб бўлган усулларни муҳокама қилиш, баҳслашиш ва фикрларини баён қилишда ўзларини эркин ҳис қиладиган муҳитда ва маконда ўсиб боради. Шундагина ривожланиш жамоаларимизнинг ҳеч қайси аъзосига зарар етказмайди ва одамларга фойда келтиради. Жамоа томонидан олиб бориладиган ривожланиш жараёнига жалб қилинган ҳар бир киши турли эҳтиёжларни баҳолаши ва жамиятнинг барча аъзоларининг фикрлари инобатга олиниши учун жараёнга мослашиши керак.

Жамоа бошчилигидаги ривожланиш жамоаларнинг экспертлар эканлигини ва бизнинг устувор вазифаларимиз ва қарашларимиз инклюзив асосда ва иштирок асосидаги ривожланишни таъминлашда етакчи бўлишидир.

ЖАМОА БОШЧИЛИГИДАГИ РИВОЖЛАНИШ ҚАНДАЙ КЎРИНИШГА ЭГА?



#1 - Ушбу расмдаги жамоага диққат билан қаранг. Тасаввурингизни ишга солинг - одамлар қандай қилиб тирикчилик қилишади? Улар ҳаётдан завқ олиш учун нималар қилишади? Улар қандай қийинчиликларга дуч келишмоқда?



#2 - Кўз очиб юмгунча кўп ўзгаришлар юз берди. Ушбу қишлоқда нималар бўлганини тавсифлаб бера оласизми? Эндиги вазият олдингисидан яхшироқми ёки ёмонроқми? Нега? Бунинг олдини олишнинг бирон бир усули борми?



#3 - Ҳа, зарарнинг олдини олиш ва жамоага кўпроқ ижобий ўзгаришлар киритишнинг бир усули бор! 2-расмни унутинг, 1-расмга яна бир бор назар ташланг - 1-расм ва ушбу расм ўртасида қандай ўзгаришларни кўрмоқдасиз? Одамлар ўз ҳаётларини ва ҳаётдан завқ олиш усулларини ўз жамоаларида давом эттира оладиларми?

Жамоа ушбу расмни воқеликка айлантириш учун, 2-расмда тасвирланган вазиятнинг олдини олиш учун нималарга муҳтож ёки нималар қилиши керак?



ЖАМОА БОШЧИЛИГИДАГИ РИВОЖЛАНИШГА ОИД ЖУМБОҚЛАР

Ижтимоий ривожланиш йўлидаги ушбу 8 қадам ХМЛнинг Глобал ҳуқуқ ҳимоячилари жамоаси томонидан ишлаб чиқилган бўлиб, у ривожланиш лойиҳаларини амалга оширишда тажрибага эга бўлган жамоат ташкилотчиларини жамоа бошчилигидаги тадқиқотларни ўтказиш ва ривожланишни тасаввур қилиш ва амалга ошириш усуллариини ўзгартириш учун ўз жамоаларини сафарбар қилади. ... Батафсил маълумотларни қуйидаги манзилдан олишингиз мумкин: bit.ly/IAP_GAT



Мақсадлар:

Жамоа бошчилигидаги ривожланишнинг асосий элементларини муҳокама қилиш ва лойиҳанинг жамоа ривожланишидаги асосий мезонларга мос келишини баҳолаш



Вақт: гуруҳнинг катталигига қараб 60 дақиқагача



Материаллар: Стикерлар ёки майда тошлар, япроқлар ва “Жамоа бошчилигидаги ривожланиш сари 8 қадам”нинг нусхалари (мана бу ердан юклаб олиш мумкин:

bit.ly/stepstodevelopment)

КЎРСАТМАЛАР:

- 1 “Жамоа бошчилигидаги ривожланиш сари 8 қадам” рисоласини 8 парчага кесинг, бунда ҳар бир қадамни бир парча қилиб кесиш мақсадга мувофиқ бўлади.

5 Ҳар бир қадамдан жамоангиз олиб бораётган ривожланиш дастурини баҳолаш кўрсаткичи сифатида фойдаланинг. Лойиҳанинг қандай бажарилаётгани ёки бажарилиши мавзусини муҳокама қилинг. “Жамоа бошчилигидаги ривожланиш сари 8 қадам” рисоласи нусхасини 8 парчага бўлинг, ҳар бир қисм учун битта қадамдан кесиб олиш йўли билан жумбоқлар тайёрланг. 5 та стикер ёки варақ қўйинг, ҳар бир қадамга 1 дан 5 гача бўлган шкала ёрдамида балл беринг, агар лойиҳа ушбу босқични тўлиқ бажарадиган бўлса, 5 дона стикер ёки варақ қўйинг, энг паст рейтинг учун 1 та стикер ёки варақ қўйинг. Бу ишни ҳар бир қадам учун бажаринг.

6 Барчани катта гуруҳга қайта қўшилишга таклиф қилинг. Ҳар бир гуруҳ ҳар бир қадамга қандай баҳо берганлигини сўранг ва катта қозғоғга ёзиб қўйинг. Барчадан ўртоқлашишни сўранг:

- Нима учун ҳар бир гуруҳ бундай рейтинглар берганлигининг сабабини аниқланг.
- Ривожланиш жамоа томонидан бошқарилишини таъминлаш учун нима қилиш керак?
- Гуруҳ ўз ишини давом эттиришда қандай мезон ва кўрсаткичлардан фойдаланиши мумкин деб ўйлайди?

Олиб борувчи учун эслатма: 1 дан 4 гача бўлган қадамлар ҳар-кимнинг ХМЛнинг Глобал ҳуқуқ ҳимоячилари жамоаси томонидан тавсия этилган жамоани ривожлантириш йўлидаги 8 қадамни интерактив тарзда ўрганиши ва тушуниши учун мўлжалланган. Машғулоти олиб борувчи, агар бу иштирокчиларга кўпроқ мос келадиган бўлса, буни тақдиротда баҳам кўриш тўғрисидаги қарорга келиши мумкин.

Хулоса: Ушбу 8 қадам дунёнинг турли чеккаларидаги жамоаларнинг тажрибалари асосида ишлаб чиқилган. У жамоа ёки жамоадан ташқарида бўлган шахслар томонидан таклиф қилинган ривожланиш лойиҳаларини баҳолаш учун қўлланма сифатида ишлатилиши мумкин. Ушбу тадбир лойиҳани амалга оширишдан олдин амалга оширилиши керак.

Жамоалар тажрибалари:

ЖЕССИКАНИНГ ВОҚЕАСИ

Салом, менинг исмим Жессика. Мен Филиппиндаги жамоат ташкилотчисиман. Сиз дунё бўйлаб одамлар **жамоалари бошчилигидаги ривожланиш** режаларини тузиб келаётганлари ҳақида биларминдигиз?

Мен 20 йилдан ортиқ вақт давомида жамоат ташкилотчиси бўлиб ишлайман. Метро Манилада мен жамоаларга ҳукумат инфратузилмаси лойиҳасидан чиқариш таҳдидига жавобан Халқ режаларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш ишларида кўмак кўрсатиб келаман.

Кучли тайфунлар туфайли Метро Маниладаги тошқин жиддий муаммога айланди. Пасиг дарёси бўйидаги норасмий аҳоли пунктларида яшовчи одамлар тошқинларнинг келиб чиқишида айбланмоқда. Ҳукумат қарорига кўра, 10 мингга яқин оила ўз уйларида Маниладан 90 км узоқликда жойлашган ерларга кўчирилади. Одамларнинг кўпчилигининг ишлари ва турмуши шаҳар билан чамбарчас боғлиқ бўлган. Улар кўчиб борадиган жойларидан шаҳарга етиб бориш ёки Манилада вақтинча ишлаш учун қолиш қанчага тушишини англай бошлаганларида, ўз жойларидан кўчиб чиқишдан бош тортишди. Бунинг ўрнига улар ўзларининг устувор йўналишларига мос келадиган



Жессика Амон
Филиппиннинг Манила
шаҳридаги Жамоат
ташкилотчилари
мултиверситети (ЖТМ)
ташкилотчиси.

Жессика ХМЛнинг Глобал
ҳуқуқ ҳимоячилари
гуруҳи таркибида
ишлайди, ушбу ташаббус
ривожланиш билан боғлиқ
бўлган лойиҳаларда
бевосита иштирок
этадиган жамоалар
ташкilotчиларини
жамоа бошчилигидаги
тадқиқотларни ўтказиш
ва ўз жамоаларини
лойиҳалар ишланмалари
концепциясини ўзгартириш
ва амалга ошириш
мақсадида сафарбар
қилиш учун бирлаштиради.

Батафсил маълумотлар
мана бу манзилда:
bit.ly/IAP_GAT

муқобил вариантларни кўриб чиқиш ва ўрганишга киришишди.

Жамоат ташкилотчилари сифатида биз одамларга уй-жой муаммосининг доимий ечимини таклиф қиладиган ҳукумат режасига муқобил бўлган - Халқ режасини яратишда ёрдам бера бошладик. Бу ишни амалга оширишни биз қуйидаги саволлардан бошладик:

- Ривожланган жамоа деганда нимани тушунасиз?
- Ўз жамоангизнинг ривожланишини кўришни хоҳлармидингиз?
- Агар шундай бўлса, қандай ривожланишни кўришни хоҳлар эдингиз?
- Нима учун бундай ривожланишни хоҳлайсиз?
- Бундай ривожланишни қандай қилиб амалга оширишни хоҳлар эдингиз?
- Ушбу ривожланишни амалга ошириш учун нима қилишни хоҳлар эдингиз ва нима қила оласиз?

Уларнинг ушбу саволларга берган жавоблари шуни кўрсатдики, одамлар аслида ривожланишга қарши эмаслар - улар ўзларининг уйларида хайдаб чиқарилишига ва тирикчилик воситаларидан айрилишларига олиб келадиган, уларнинг қарашлари ва фикрларини ифода этмайдиган ривожланишга қаршилар.

Уларнинг ўзлари истаган ривожланишга оид устувор



Филиппин

“ Халқ режаси жамоаларга ўз келажаklarини ўз назоратлари остига олиш ва барчага фойда келтирадиган ривожланиш учун курашиш имкониятини берди

“ Одамлар аслида ривожланишга қарши эмаслар - улар уларнинг қарашлари ва фикрларини ифода этмайдиган ривожланишга қаршилар.

йўналишларини аниқлаб олганимиздан сўнг, биз жамоаларнинг яшаш жойини танлаш ҳуқуқини ҳимоя қилишга ёрдам берадиган қонунларни таҳлил қилишга киришдик. Натижада биз, қонунларда одамлар кўчиб ўтиш имкониятларини танлаш ҳуқуқига эга эканликлари ва улар яшаб турган ерларида қолиш ҳуқуқига эга эканликларини, аммо қонун амалда бажарилмаётганлигини аниқладик. Жамоалар ушбу ҳуқуқларга амал қилинишини таъминлашга эришиш учун курашиш кераклигини англатар эди!

Бизнинг кейинги қадамимиз - бу доимий равишда уй-жой масаласи ечимини таклиф қиладиган ва Пасиг дарёси ва Манггаҳан оқова каналидаги сув тошқини муаммосини ҳал қилишга қаратилган муқобил режани яратиш учун жамоа аъзоларининг **билим ва тажрибасидан** фойдаланиш эди. Биз Халқ режасидан фойдаланиб, ҳукуматга бизнинг нуқтаи назаримизни эшитиши учун босим ўтказдик, сўнгга муқобил режамизни молиялаштирдик ва амалга оширдик. Халқнинг қатъияти туфайли, ҳукумат билан 10 йиллик музокаралардан сўнг, нихоят, Халқ режаси амалга оширилаётганини кўряпмиз!

Гарчи бу секин жараён бўлса-да, Халқ режаси **жамоаларга ўз келажакларини ўз назоратлари остига олиш** ва барчага фойда келтирадиган ривожланиш учун курашиш имкониятини берди.

Бу саволларга уларнинг жавоблари шуни кўрсатдики, одамлар аслида ривожланишга қарши эмаслар - улар ўзларининг уйларида кўчиришлари ва тирикчилик манбаларидан айрилишларига олиб келадиган ва уларнинг қарашлари ва фикрларини ифода этмайдиган ривожланишга қаршилар.



Муҳокама қилиш учун саволлар:

1. Нима учун жамоалар Халқ режасини бошлашга қарор қилдилар? Улар бунни қандай қилиб бошлашди?
2. Халқ режаси жараёни туфайли қандай ўзгаришлар юз берди?
3. Халқ режаси ғояси сизнинг жамоангизга мос келадими? Қандай қилиб?

Табриклаймиз! Сиз Жамоани ривожлантиришга доир Жамоа ҳаракатларига оид кўрсатмалар билан танишиб чиқдингиз. Қўшимча материаллар ва маълумот олиш учун “Ресурслар” саҳифасига кинг.



ХМЛ ушбу қўлланмага қўшган ҳиссалари учун қуйидаги шахслар ва ташкилотларга миннатдорчилик билдиради:

Жессика Амон, Жамоат ташкилотчилари мултиверситети (COM)
Налори Чакма, Осиё туб аҳолилари пакти (AIPP)

МАНБАЛАР

Қўрқувсиз келажакни биргаликда яратиш: Ривожланишда аёлларнинг ҳуқуқлари уюшмаси (APIR) томонидан тайёрланган феминист картографлар учун мўлжалланган қўлланма.

Ушбу восита феминистик келажакни белгилаб олишга ва мавжуд, уларни енгиб бўлмайдиган қилувчи ечимлар ва нарративларни қийёслашга ёрдам беради. Ушбу воситалар тўплами яқка тартибда ва жамоа томонидан фойдаланилиши мумкин Унинг таркибига қўмак воситалари сифатида карталар, маълумотлар карталари, ишчи варақалар ва мунозаралар учун қўлланмалар киради.

→ bit.ly/AWIDcartographer

Жамоаларни илҳомлантириш орқали ўрганиш

Ушбу қўлланма жамоа бошчилигидаги ривожлантириш имконларини кенгайтиришга ва бу жараёни қўллаб-қувватлашга интилаётган шахслар ва ташкилотлар учун мўлжалланган. Унда Аотеороа / Янги Зеландиядаги жамоа бошчилигидаги фаолиятга оид чуқур фикрлаш, ўрганиш жараёнлари, мисоллар ва жамоалар ишлари натижаларини келтирилган.

→ bit.ly/ICLearningBydoing

Ривожланиш ҳуқуқини илгари суриш ва амалга ошириш: Осиё-Тинч океани минтақасидаги аёллар, ҳуқуқ ва тараққиёт масалалари бўйича Осиё Тинч океани минтақаси аёллари форуми (APWLD) томонидан ўтказилган тадқиқотлар.

Ушбу ҳисоботда баъзилари аёллар томонидан ишлаб чиқилган ва бошқариладиган маҳаллий даражадаги ривожланиш ташаббусларига оид амалий тадқиқотлар келтирилган. Ҳисоботда орттирилган тажриба, эришилган муваффақиятлар ва юзага чиққан муаммолар ёритиб берилган ва жамият томонидан ривожланишни ошириш учун сиёсат ва дастурларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш бўйича илғор услублар ёритиб ўтилган.

→ bit.ly/APWLDRight2DevCaseStudies

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти томонидан **ривожланиш ҳуқуқининг амалга оширилиши**

Ушбу қўлланма ривожланиш ва инсон ҳуқуқлари соҳаларидаги барча манфаатдор томонлар учун манба сифатида хизмат қилиш учун мўлжалланган. Бу тушунчани чуқурлаштириш ва пировардида ривожланиш ҳуқуқини амалга оширишга қаратилган уринишдир. Унда одамларнинг, негизда ривожланиш ҳуқуқи турган иқтисодий сиёсат ва ривожланишга инсон ҳуқуқлари нуқтаи назаридан ёндашишга бўлган эҳтиёжи кўриб чиқилади

→ bit.ly/ONCHRright2development

Бир қишлоқ шериклари ҳикоялари

One Village Partners - Бир қишлоқ шериклари ҳикоялар тўпламида Сьерра-Леонадаги жамоалар дуч келаётган ижтимоий муаммолар жамоа бошчилигида қандай қилиб ҳал этилаётганигига оид мисоллар келтирилган. Ҳикояларда сўз жамоа раҳбарияти лойиҳаларни қандай қилиб ишлаб чиқиши ва жамоани ривожлантиришнинг устивор масалаларини ҳал қилиш учун кучларни қандай қилиб сафарбар қилиши ҳақида боради.

→ bit.ly/OneVillageStories

Ривожланиш соҳасида одил судлов сари йўл, Осиё- Тинч океани минтақасининг хотин-қизлар, ҳуқуқ ва ривожланишга бағишланган аёллар форуми (APWLD).

Ушбу видео "Адолатни ривожлантириш" тушунчаси ва фуқаролик жамиятининг тегишли талаблари нималардан иборат эканлигини тушунтиради. Унда тенгсизлик ва экологик бўҳрондан чиқиш учун янги ривожланиш модели нимага зарур эканлиги муҳокама қилинади.

→ bit.ly/APWLDroad2developmentjustice

INTERNATIONAL
ACCOUNTABILITYPROJECT

accountabilityproject.org
